| “ТАСДИҚЛАЙМАН” | “КЕЛИШИЛДИ” |
|---|---|
| Қўшработ тумани ҳокими | Республикадан бириктирилган вакил |
| ______________Д.Шакарбоев | ______________Х.Кетмонов |
| 2025 йил “___”июль | 2025 йил “___”июль |

**Самарқанд вилояти Қўшработ туманида муҳит, инвестиция, экспорт, иш ўрни камбағалликни қисқартириш бўйича жорий йилнинг 21 июлидан 21 октябрига қадар амалга ошириладиган**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| **I. Туманда аҳоли кайфиятини кўтариш, тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш** | | | |
| 1. | Ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари **аҳолини қийнаётган** ҳамда **эътирозларига сабаб бўлаётган** муаммоларни бартараф этиш мақсадида **эрта тонгда** *(соат 06$^{00}$- 09$^{00}$)* **27 та** маҳаллада **сайёр қабуллар** ташкил этди. Уларда кўтарилган жами **304 та** муаммодан қолган **108 та**сини ҳал этиш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Туман ҳокими ўринбосарлари (Қ.Холиқулов, И.Холиқулов, О.Эшқулов, О.Рахмонов, Ш.Хайдаров),<br>тегишли туман ташкилотлари |
| 2. | Ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда Республика ишчи гуруҳи вакиллари томонидан ўтказилган тадбиркорлар билан очиқ **мулоқотларда кўтарилган 73 та** муаммодан қолган **3 та** масалани ҳал этиш чораларини кўриш. | 2025 йил<br>20 сентябргача | Туман ҳокими ўринбосарлари (Қ.Холиқулов, Ш.Хайдаров),<br>Савдо саноат палатаси туман бўлими<br>(Д.Нажмиддинов) |
| 3. | **109 та** маҳаллада, қабристонлар, камбағал оила ва ёлғиз кексалар хонадонларида хафтанинг | 2025 йил<br>21 октябргача | Туман ҳокими ўринбосарлари (Ф.Холиқулов, И.Холиқулов, О.Эшқулов), |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | шанба ва якшанба кунлари **ҳашарлар ўтказиш**. | | Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими (А.Холбеков),<br>Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (Ж.Ўтабоев) |
| 4. | Тумандаги **10 та** оғир маҳаллаларда электр энергиясини яхшилаш мақсадида **21 та** трансформатор ва **1400 та** темир-бетон устунлар ўрнатиш, **64 км** электр тармоғи тортиш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Қурилишни ривожлантириш дирекцияси (Р.Олимов) |
| 5. | Тумандаги **27 та** маҳалла фуқаролар йиғинида электр энергияси таъминоти бўйича чала қолдирилган объектларда ишларни якунлаш ҳамда олиб келиниши лозим бўлган материаллар билан таъминлаш.<br>*(Жумладан, **45,6 км** СИП кабель, **686 дона** траверс, **975 дона** зажем, **620 дона** изолятор, **381 дона** темир-бетон устунлар)* | 2025 йил<br>1 октябргача | “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Қурилишни ривожлантириш дирекцияси (Р.Олимов) |
| 6. | 2025 йилги **Инвестиция дастурига** киритилган **6 та мактабларда** қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини якунига етказиш чораларини кўриш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров),<br>“Инфратузилмани ривожлантириш” ИК Самарқанд бўлинмаси (Ш.Аликулов),<br>Қўшработ тумани ҳокимининг ўринбосари (И.Холиқулов) |
| 7. | 2025 йилги **Инвестиция дастурига** киритилган **1 та** | 2025 йил | Вилоят ҳокимининг ўринбосари |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | **мактабгача таълим ташкилотларида** қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини якунига етказиш чораларини кўриш. | 20 октябргача | (А.Шукуров),<br>“Инфратузилмани ривожлантириш” ИК Самарқанд бўлинмаси (Ш.Аликулов),<br>Қўшработ тумани ҳокимининг ўринбосари (И.Холиқулов) |
| 8. | **2025 йил 1-мавсумидаги “Ташаббусли бюджет”** дастури доирасида ғолиб деб топилган **6 та** лойиҳаларни якунлаш чораларини кўриш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров),<br>“Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (А.Илмуратов),<br>“Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (С.Маматқулов),<br>Қўшработ тумани ҳокимининг ўринбосари (И.Холиқулов) |
| 9. | Халқаро **ОПЕК жамғармаси** лойиҳаси асосида хозирги кунда охирига етказилмаган **27 та** қудуқ, **14,5 км** тармоқ ва сув чиқмаётган **22 та** қудуқда янгидан қазиш ишларини амалга ошириш орқали **17 та** МФЙдаги **4,5 минг** нафар аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти муаммосини ҳал этиш. | 2025 йил<br>1 октябргача | “Ўзсувтаъминот” АЖ,<br>“Самарқанд сувтаъминот” АЖ |
| 10. | Тумандаги **7 та** *(Минишкор, Оқчопсой, Қувкалла, Пангат, Жомбулоқ, Қоратош, Чорлоқ)* маҳаллаларининг **23 та** қишлоқларида алоқа ва интернет хизматлари сифати жуда паст даражада. Ушбу маҳаллаларда “Узтелеком” АЖ антена мачта қурилмаларини ўрнатишни манзилли дастурга | 2025 йил<br>1 сентябргача | Қўшработ тумани ҳокимлиги (И.Холиқулов) |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | киритиш бўйича таклиф киритиш. | | |
| 11. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларга асосан ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишнинг 47-сонли баёни 56-бандига асосан "Самарқанд-Нурота" туризм маршрутини ривожлантириш мақсадида **4Р-55** *"Митан қўрғони-Қўшработ т.-Нурота ш."* автомобиль йўлининг **0-120 км** оралиғидаги яроқсиз қисмларини таъмирлаш бўйича ажратилган маблағлар доирасида **4Р-55 автомобиль йўлининг** Қўшработ туманидан утувчи қисмига маблағ ажратиш ҳамда йўл қурилиши ишларини бошлашда амалий ёрдам бериш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Автомобиль йўллари қўмитаси |
| 12. | Тумандаги Тоз маҳалласининг Соригул қишлоғидаги **3,5 км** масофадаги ички йўлни асфальтлаштириш. | 2025 йил<br>1 августгача | Қўшработ тумани ҳокимлиги<br>(И.Холиқулов),<br>Автомобиль йўллари бошқармаси туман бўлими (А.Туронов) |
| 13. | Туманнинг **3 та** маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги **20 км** масфадаги тупроқ йўлларни шағаллаштириш ҳамда **4,0 км** пиёдалар йўлаги қуриш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Қўшработ тумани ҳокимлиги<br>(И.Холиқулов),<br>туман ободонлаштириш бошқармаси (Э.Сулаймонов) |
| 14. | Кувкалла маҳалласидаги **50 қатновга** мўлжалланган **Кувкалла оилавий шифокорлик пунктини** ишга тушуриш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Қўшработ тумани ҳокимлиги<br>(О.Эшқулов),<br>туман тиббиёт бирлашмаси<br>(С.Расулев) |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 15. | **Навкат маҳалласида** аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида тиббий контейнер ўрнатиш ва маҳалла тиббиёт пунктини ишга тушуриш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Қўшработ тумани ҳокимлиги (О.Эшқулов),<br>туман тиббиёт бирлашмаси (С.Расулев) |
| 16. | Мактаб ва мактабгача таълим тизимидаги олис ҳудудларда жойлашган мақбуллаштириш ҳисобига бўшаган **20 та** мактаб филиаллари ўрнида **650 ўринли** мактабгача таълим ташкилотлари филилларига мослаштириш ҳамда ушбу лойиҳани амалга ошириш учун **8 млрд**. маблағ ажратиш бўйича таклиф тайёрлаш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |
| 17. | Туманнинг олис маҳаллаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг Жўш постини ташкил этиш.<br>Ушбу постга **2 та** штат бирлиги ажратиш ва махсус техникалар билан таъминлаш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Фақулодда вазиятлар вазирлиги |
| **II. Инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни ошириш** | | | |
| 18. | **“SI TONG STONE” МЧЖ ХК** томонидан қиймати **40 млн.** доллар ҳамда йиллик қуввати **150,0 минг** м3 гранит тошни қазиб олиб, ундан **2,2 млн.** м2 тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида йилига **10,0 млн.** доллар экспорт қилиш имкониятига эга бўлган лойиҳани фойдаланишга топшириш. | 2025 йил<br>1 сентябргача | Қўшработ тумани ҳокимлиги<br>(Ш.Хайдаров) |
| 19. | **“FUJIAN XINWANCHENG INVESTMENT” МЧЖ ХК** | 2025 йил | Қўшработ тумани ҳокимлиги |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
| --- | --- | --- | --- |
| | томонидан қиймати **35 млн.** доллар ҳамда йиллик қуввати **120,0 минг** м3 гранит тошни қазиб олиб, ундан **2,0 млн.** м2 тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида йилига **5,0 млн.** доллар экспорт қилиш имкониятига эга бўлган лойиҳани фойдаланишга топшириш. | 1 сентябргача | (Ш.Хайдаров) |
| 20. | **“SAMARQAND MAITE BUILDING MATERIALS” МЧЖ ХК** томонидан қиймати **15 млн.** доллар ҳамда йиллик қуввати **30,0 млн.** дона ғишт ва газоблок ишлаб чиқариш натижасида йилига **1,0 млн.** доллар экспорт қилиш имкониятига эга бўлган лойиҳани фойдаланишга топшириш. | 2025 йил 1 сентябргача | Қўшработ тумани ҳокимлиги (Ш.Хайдаров) |
| 21. | **“BA DA STONE” МЧЖ** томонидан қиймати **10 млн.** доллар ҳамда йиллик қуввати **90,0 минг** м3 гранит тошни қазиб олиб, ундан **1,0 млн.** м2 тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича қурилиш-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда уни экспертизадан ўтказиш ишларини якунлаш. | 2025 йил 1 сентябргача | Вилоят қурилиш бош бошармаси, Қўшработ тумани ҳокимлиги (Ш.Хайдаров) |
| 22. | Қўшработ туманида аҳоли учун қулай ва замонавий барча мавсумларга мос экологик тоза маҳсулотлар савдосига эга йирик савдо мажмуаси яратиш мақсадида Деҳкон бозори ҳудудидан **“ЭКО БОЗОР”** қурилиш-лойиҳа ҳужжатларини якунлаш ҳмда **1,0 га** ер майдонини белгиланган тартибда аукцион савдосига чиқариш. | 2025 йил 1 августгача | Қўшработ тумани ҳокимлиги (И.Холиқулов) |
| 23. | Хитойлик тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида “Жўш” | 2025 йил 1 октябргача | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | подстанциясидан Жонбулоқ маҳалласида жойлашган Қорабоғ гранит конигача **33 км 10 кВли** электр энергияси билан таъминловчи ҳаво тармоғи тортиш ва **650 дона** темир-бетон устунлар ўрнатиш. | | |
| **III. Иш ўринлари яратиш қамбағалликни қисқартириш** | | | |
| 24. | Бандлик дастури асосида жами **2792 нафар** аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.<br>Шундан **инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш** орқали **152 нафар**;<br>**тижорат банклар лойиҳалари асосида 2335 нафар**;<br>**қишлоқ хўжалигида 249 нафар**;<br>**қурилишда 56 нафар** аҳолини даромадли меҳнат билан бандлиги таъминлаш. | 2025 йил<br>30 октябргача | Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Қ.Холиқулов, И.Холиқулов, О.Рахмонов, Ш.Хайдаров), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими (З.Жуманов), Тижорат банклари |
| 25. | Тадбиркорлик дастурлари орқали **1587 нафар** фуқарони даромадли меҳнатга жалб қилиш.<br>- **43 нафар** инвестиция лойиҳаларига;<br>- **1449 нафар** тижорат банклари томонидан доимий ва тадбиркорликка жалб қилиш;<br>- **80 нафар** қишлоқ хўжалигига;<br>- **15 нафар** қурилиш ишларига жалб қилиш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ш.Хайдаров, О.Рахмонов, И.Холиқулов)<br>Тижорат банклари |
| 26. | **“Зарбдор” тажрибаси** асосида туманда қиймати **4,9 млрд.** сўмлик **3 та** лойиҳаларни амалга ошириш орқали **229 нафар** ишсиз фуқароларни бандлигини таъминлаш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги |
| 27. | **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида **20 млн.сўмлик 2 та** лойиҳаларни амалга ошириш | 2025 йил<br>1 октябргача | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | орқали **4 нафар** иш ўринлари яратиш. | | |
| 28. | **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида **457 та** микролойиҳалар амалга ошириш орқали **914 та** иш ўринлари ташкил қилиш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Тижорат банклари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими (З.Жуманов) |
| 29. | **“Уйчи тажрибаси”** асосида тижорат банклари томонидан **18 маротаба** фаол мижозлари билан учрашувлар ўтказиш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Тижорат банклари |
| 30. | Аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида **7 513 млн.сўмлик** кредит маблағлари ажратиш.<br>- **1 млрд 200 млн.сўмлик** кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури доирасида кредит ажратиш;<br>- **1 млрд 328 млн.сўмлик** бизнесга биринчи қадам дастури доирасида кредит ажратиш;<br>- **4 млрд 985 млн.сўмлик** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредит ажратиш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Тижорат банклари |
| 31. | Туманнинг **“Шовона” маҳалласи** ҳудудидан утувчи **4Р-55** автомобиль йўли ёқасида “Ҳунармандчилик маркази” ҳамда 15 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушуриш орқали **30 нафар** ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш. | 2025 йил<br>1 октябргача | Туман ҳокимлиги (Қ.Холиқулов) |
| 32. | Туманда кончилик соҳасида **10 га** яқин йўналишларда мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган **400 ўринли** 2-сонли “Навоий кон металлургия комбинати” АЖ тасарруфига | 2025 йил<br>1 октябргача | Олий таълим, инновациялар |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | ўтказишга рухсат бериш орқали ҳар йили **200 нафарга** яқин ёшларни иш билан таъминлаш. | | |
| 33. | Меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ишсиз фуқароларни вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бўйича **ishmbor.uz** платформасини ишга тушириш.<br>Бунда, иш берувчи ва иш изловчи фуқароларга қулайликлар яратиш ва ушбу платформадан фойдаланишни кенг жорий қилиш. | 2025 йил 1 октябргача | Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Қ.Холиқулов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими (З.Уроқов) |
| 34. | Камбағаллик реестрига киритилган **412 та** оилага **1886 та** барқарор бандлик хизматлари кўрсатилиб, камбағалликдан чиқарилади.<br>- **876 та**си доимий иш ўринларига жойлаштирилади.<br>- **147 та**сига имтиёзи кредит ажратилади.<br>- **11 та**сига субсидия ажратилади.<br>- **9 та**си касб-ҳунарга ўқитилади.<br>- **551 та**сини тадбиркорликка жалб қилиш орқали даромади оширилади. | 2025 йил 1 октябргача | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими (З.Жуманов) |
| 35. | Тумандаги **412 та** оилани камбағалликдан чиқариш орқали, камбағаллик даржасини **5,2 фоиз**дан **4,5 фоиз**га камайтириш. | 2025 йил 1 октябргача | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими (З.Жуманов) |
| **IV. Туризмни ривожлантириш** | | | |

| Т/р | Топшириқ мазмуни | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 36. | Туманнинг “Юқори жўш” маҳалласи ҳамда “Митан-Қўшработ-Нурота” йўналишидаги йўл ёқасида жойлашган **Бекқўргонтепа шаҳарчасида** ташриф буюрувчилар учун шароитлар яратиш, археологик қазилма ишларини давом эттириш бўйича Маданий мерос агентлигининг манзилли дастурига киритиш. | 2025 йил 1 октябргача | Туризм қўмитаси, Маданий мерос агентлиги |

**Туман ҳокимининг ўринбосарлари:**

**Қ.Холиқулов** **И.Холиқулов** **Ш.Хайдаров** **О.Эшқулов** **О.Рахмонов**

**С.Махмудова**